

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ

АБДУМАЛИКОВ УЛУҒБЕК ЗИЁДИЛЛА ЎҒЛИ

ЎРТА ТОЛАЛИ ҒЎЗАНИНГ АЙРИМ ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК
БЕЛГИЛАРИ БЎЙИЧА ЯНГИ ДОНОРЛАРНИ АНИҚЛАШ

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АФТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2023

**Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Абдумаликов Улуғбек Зиёдилла ўғли

Ўрта толали ғўзанинг айрим қимматли хўжалик белгилари бўйича янги
донорларни аниқлаш.....3

Абдумаликов Улуғбек Зиёдилла угли

Выявление новых доноров средневолокнистого хлопчатника по некоторым
хозяйственно-ценным признакам.....21

Abdumalikov Ulugbek Ziyodilla ugli

Determination of new donors of some agronomic valuable traits of upland
cotton39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ

АБДУМАЛИКОВ УЛУҒБЕК ЗИЁДИЛЛА ЎҒЛИ

ЎРТА ТОЛАЛИ ҒЎЗАНИНГ АЙРИМ ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК
БЕЛГИЛАРИ БЎЙИЧА ЯНГИ ДОНОРЛАРНИ АНИҚЛАШ

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АФТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2022.4.PhD/Qx1009 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Намазов Шадман Эргашович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Аманова Махфурат Эшмуродовна

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Халикова Малоҳат Бабамуродовна

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти

Фалсафа доктори (PhD) диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 23 август 2023 йил соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси 2-уй, Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; E-mail: tuag_info@edu.uz Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 2-қават, кичик мажлислар зали.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 549071- рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси 2-уй, Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2023 йил 4 августда тарқатилди.
(2023 йил 4 августдаги 13-рақамли реестр баённомаси.)

Г.Р.Холмуродова,

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д.,
профессор.

А.А.Иминов,

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
к.х.ф.д., профессор.

Ф.Б.Намозов,

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, к.х.ф.д.,
профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Халқаро статистик маълумотларга асосан, «2021-2022 йилларда дунё бўйича етакчи пахта етиштирувчи мамлакатлар орасида ялпи тола ҳосили бўйича Хитой (5,879 млн/т), Ҳиндистон (5,334 млн/т), АҚШ (3,815 млн/т), Бразилия (2,678 млн/т), Покистон (1,306 млн/т), Австралия (1,197 млн/т), Туркия (827 минг/т), Ўзбекистон (577 минг/т) ва Аргентина (327 минг/т) етакчи давлатлардан ҳисобланади»¹. Тола ҳосилдорлиги бўйича юқори ўринларни Австралия (2,0 т/га), Хитой (1,9 т./га), Туркия (1,8 т./га), Бразилия (1,7 т./га) каби давлатлар эгаллаб, Ўзбекистон 20-ўриндан (0,69 т./га) жой олган². Яъни, Ўзбекистонда ғўза навлари селекцияси бўйича ўтказилаётган изланишлар натижасида катта ютуқларга эришилганига қарамадан, пахтачилик ривожланган давлатларга нисбатан тола ҳосилдорлиги қарийб икки барабар пастлигича қолмоқда. Айрим районлашган ғўза навларининг тола ҳосилдорлиги ва сифати тўқимачилик саноатининг бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Бу эса, Республикамизда ғўзанинг юқори тола ҳосилдорлиги ва сифатининг ижобий мажмуаси билан бойитилган генотипига эга янги навларини яратишни талаб этади.

Пахтачилик давлатларида кейинги йилларда анъанавий ва ноанъанавий селекция усулларида фойдаланган ҳолда ғўза генофондидаги намуналарни ўрганиш ҳамда амалий селекцияга жалб этиш орқали тола сифати ва ҳосилдорлиги ҳамда бошқа белги ва кўрсаткичларининг юқори даражадаги ижобий мажмуасига эга бўлган навларни яратиш борасида кенг тадқиқотлар ўтказилмоқда. Ғўза генофондидаги намуналардан фойдаланиш орқали турли дурагайлаш услубларининг самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган изланишлар натижасида генетик жиҳатдан бойитилган тезпишар, ҳосилдор, тола сифати ва чиқими юқори бўлган ғўза навларини яратиш мумкинлиги исботланган.

Олимларимиз томонидан ғўза генофондидаги ёввойи ғўза намуналарини селекция жараёнига жалб этиш орқали хўжалик учун қимматли белгилари, толасининг технологик кўрсаткичлари ҳамда турли касаллик ва ҳашоратларга бардошлилиги бўйича бир-биридан кескин фарқ қиладиган ноёб донорларни аниқлаш ҳамда уларни амалий селекция жараёнига жалб этиш борасида кенг илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармонининг 3.3-бандида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича юқори маҳсулдорликка эга касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекцион навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини

¹ <https://www.statista.com>, Global cotton production 2021/2022, by country Published by M. Shahbandeh, 2023.

² Icac cotton databook, 2022.

кенгайтириш вазифалари белгиланган³. Шунинг ҳисобга олган ҳолда тола ҳосилдорлиги ва сифатининг ижобий мажмуаси билан бойитилган ҳамда вилт касаллигига бардошли ғўза навларини яратиш борасидаги илмий изланишларни олиб бориш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»⁴ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 июлдаги ПҚ-308-сон «Пахта ҳосилдорлигини ошириш, пахта етиштиришда илм ва инновацияларни жорий қилишнинг қўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»⁵ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўрта толали ғўзанинг айрим қимматли хўжалик белгилари бўйича янги донорларни аниқлаш ҳамда амалий селекцияда фойдаланиш бўйича маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан кўплаб изланишлар олиб борилган. Жумладан, А.А.Абдуллаев, Л.Г.Арутюнова, В.А.Автаномов, И.Ю.Абдурахманов, А.Ахмеджанов, А.М.Баталов, К.Ф.Гесос, С.М.Мираҳмедов, Ж.А.Мусаев, Р.Г.Ким, С.Мақсудов, С.Р.Рахмонкулов, С.М.Ризаева, Ш.Э.Намазов, С.А.Набиев, М.П.Пўлатов, А.Э.Эгамбердиев ҳамда хорижий олимлардан J.E.Endizzi, R.J. Kohel, W.Smith, M.Abdel-Ati, Yusuf-Soad, V.Yehia, R.EL-Navsaniy, H.Kotb, G.Ahmad, M.Hasan, E.A.Salama ва бошқа бир қанча олимлар тадқиқотлар ўтказишган. Ушбу йўналишда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан ғўзанинг бойитилган генотипга эга тур ичи ва турлараро дурагайларини яратиш, дурагай авлодларда морфо-хўжалик белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланиш қонуниятларини ўрганиш бўйича олиб бораётган тадқиқотлари диққатга сазовордир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тадқиқотларимиз турли генотипга эга ғўза навларининг қимматли хўжалик белгилари бўйича донорлик қобилиятини топкросс тизимида баҳолаш, генетик ва эколого-географик узок дурагайларда тезпишарлик, юқори тола сифати ва чиқими ҳамда вилтнинг агрессив ирқларига бардошлиликни ўзида мужассамлаштирган генетик ашёларни

³ <https://lex.uz>. 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi.

⁴ <https://lex.uz/docs> O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligini rivojlantirishning 2020 – 2030 yillarga mo'ljallangan strategiyasini tasdiqlash to'g'risida.

⁵ <https://lex.uz/docs> Paxta hosildorligini oshirish, paxta yetishtirishda ilm va innovatsiyalarni joriy qilishning qo'shimcha tashkiliy chora-tadbirlari to'g'risida PQ-308 07.07.2022 yil.

яратиш ва амалий селекцияга тавсия этишга қаратилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасанинг режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти «Қишлоқ хўжалик экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги» кафедрасининг №ПЗ-20171025 рақами билан рўйхатга олинган «Ўзани вилтга чидамли, ҳосилдорлиги ва тола сифати юқори навини яратиш Давлат нав синовига топшириш ҳамда амалий селекция учун қимматли комплекс белгиларни ўзида мужассамлаштирган янги навлар яратиш» мавзусидаги (2017-2019 йй.) ҳамда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари дастуридаги №МВ-ҚХ-А-КХ-2018-140. «Тезпишар, тола чиқими 40-41%, тола сифати IV-типга мансуб ҳамда нисбатан вилтга бардошли бўлган ўрта толали янги ғўза навини яратиш ва Давлат нав синовига топшириш» мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида амалга оширилган (2018-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади турли генотипга эга ғўза навларининг қимматли хўжалик белгилари бўйича донорлик қобилиятини топкросс услубида баҳолаш ҳамда генетик ва эколого-географик узоқ дурагайлаш асосида тезпишар, тола сифати ва чиқими юқори, вилтнинг агрессив ирқларига бардошлиликни ўзида мужассамлаштирган генетик ашёларни яратиш ва амалий селекцияга тавсия этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турли генотипга эга ғўза навларининг қимматли хўжалик белгилар бўйича донорлик қобилиятини топкросс услубида баҳолаш;

F₁-F₄ дурагайларида асосий хўжалик учун қимматли белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ҳамда барқарорлашув жараёнларини ўрганиш;

топкросс тизимида яратилган F₂-F₃ дурагайларида айрим қимматли хўжалик белгиларнинг ўзаро корреляциясини аниқлаш;

генетик ва эколого-географик узоқ дурагайлаш услуби орқали аввалги йилларда яратилган ғўза тизмаларини ўрганиш асосида хўжалик учун қимматли белгиларнинг юқори кўрсаткичига эга селекцион ашёларни яратиш;

топкросс тизимида яратилган F₄ дурагайлари ҳамда генетик ва эколого-географик узоқ чатиштириш орқали яратилган ғўза тизмаларини *Verticillium dahliae* Kleb., *Fusarium oxysporum f.sp.vasinfectedum* ва *Fusarium solani* патогенларининг агрессив ирқларига бардошлилигини лаборатория шароитида баҳолаш;

тезпишар, тола чиқими ва сифати юқори ҳамда бошқа қимматли хўжалик белгиларининг ижобий мажмуасига эга генетик-селекцион ашёларни яратиш ва амалий селекцияда фойдаланиш учун тавсия этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республикамизда турли даврларда қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига киритилган ғўзанинг «Андижон-36», «Андижон-37», «Султон», «Жарқўрғон», «ЎзПИТИ-201», «Наманган-34», «Наманган-77», «Омад», «Турон», «Келажак», «Бухоро-102» навлари иштирокида яратилган F₁-F₄ топкросс дурагайлари ҳамда «С-6530», «С-6532»

навлари билан «BC₃S₁-47-8-1-17», «BC₃S₁-1-6-4-3-15» АКШ намуналарини генетик ва эколого-географик узоқ дурагайлаш асосида яратилган ғўза тизмалари ва андоза «С-6524» навидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида турли генотипга эга ғўза навларининг қимматли хўжалик белгилари бўйича донорлик қобилятини топкросс дурагайлаш услубида баҳолаш, генетик жиҳатдан бойитилган F₁-F₄ топкросс ғўза дурагайларида белгиларнинг ирсийланиши, трансгрессив ўзгарувчанлиги, шаклланиши ҳамда айрим хўжалик учун қимматли белгилар ўртасидаги корреляцион боғлиқликлари, шунингдек, *Verticillium dahliae* Kleb., *Fusarium oxysporum f.sp.vasinfectedum* ва *Fusarium solani* патогенларининг агрессив ирқларига бардошлилигини лаборатория шароитида баҳолаш бўйича таҳлиллар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Генетик-селекцион тадқиқотларда «Дала тажрибаларни ўтказиш услублари» (2007 й.), топкросс услуби С.П.Яковлев, Б.Н.Болдрихина (1979) да, доминантлик даражаси M.G.Beil, E.R.Atkins (1965) ишларида келтирилган S.Wright формуласи бўйича, Фузариоз касаллиги билан зарарланган ғўза ўсимликларни аниқлаш бўйича Кирай К. и др., «Методы фитопатологии» (1974), Литвинов М.А. «Методы изучения почвенных микроскопических грибов» (1969), Хасанов Б.А. «Фузариозный вилт хлопчатника и современные методы идентификации грибов рода *Fusarium*» (2017) ва *V.dahliae* Kleb. патогенига бардошлилик Ф.Р.Войтенко (1973) услубида, статистик кўрсаткичларнинг таҳлили Б.А.Доспехов (1985) услубида катта ва кичик танланмаларида ишловдан ўтказилган, навларнинг хўжалик учун қимматли белгилари бўйича умумий ва махсус комбинатив қобиляти топкросс услубида ҳамда толанинг сифат кўрсаткичлари ЎЗДСт 604-2001 андозасига асосан, замонавий НВИ дастгоҳида аниқланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк маротоба турли генотипга эга «Анди жон-36», «Андижон-37», «ЎзПИТИ-201», «Наманган-34», «Наманган-77», «Омад», «Турон», «Келажак» ҳамда «Султон», «Жарқўрғон» ва «Бухоро-102» ғўза навларининг қимматли хўжалик белгилар бўйича умумий (УКҚ) ва махсус комбинацион қобиляти (МКҚ) аниқланган;

топкросс дурагайлаш усулида яратилган F₁ дурагайларида аксарият ўрганилган хўжалик учун қимматли белгиларнинг ижобий ва салбий оралиқ, тўлиқ доминантлик ҳамда гетерозис тарзда ирсийланиши аниқланган;

ўрганилган F₂-F₃ топкросс дурагайларида тола чиқими, тола узунлиги ва бир дона кўсақдаги пахта вазни белгилари бўйича кенг трансгрессив ўзгарувчанлик юз бериши ҳамда ушбу белгиларнинг ижобий мажмуасига эга рекомбинантларни танлаш орқали қимматли селекцион ашёларни яратиш мумкинлиги тасдиқланган;

топкросс тизимида яратилган F₄ дурагайларининг лаборатория шароитида *Fusarium oxysporum f.sp.vasinfectedum* замбуруғига толерантлиги 70-90%, *Fusarium solani* замбуруғига -70-100% ва *Verticillium dahliae* Kleb. замбуруғига толерантлиги 70-100 % эканлиги аниқланган;

генетик ва эколого-географик узоқ дурагайлаш асосида яратилган ғўза тизмаларининг лаборатория шароитида *Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfectum микотоксинига толерантлиги 10-30%, *Fusarium solani* га толерантлиги 20%-70% ҳамда барча тизмаларнинг *Verticillium dahliae* Kleb. га толерантлиги 40%-90% эканлиги тасдиқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ғўзанинг генетик жиҳатдан бойитилган ноёб селекцион ашёларини яратиш борасидаги тадқиқотларда навларнинг комбинацион қобилятини аниқлашда топкросс дурагайлаш услубидан фойдаланиш самарали эканлиги тасдиқланган;

топкросс чатиштириш услуби орқали яратилган F₄ дурагайлари орасидан қимматли хўжалик белгиларнинг ижобий мажмуасига эга бўлган О-313-1/22, О-317-5/22, О-319-7/22, О-325-13/22, О-328-16/22, О-330-18/22, О-337-25/22, О-339-27/22, О-348-36/22, О-351-39/22 ва О-353-41/22 оилалари ажратиб олинган ҳамда селекцион тадқиқотларда фойдаланиш учун тавсия этилган;

F₄Андижон-36 х Андижон-37, F₄Андижон-36 х Султон, F₄Андижон-36 х ЎзПИТИ-201 топкросс дурагай комбинациялари *Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfectum замбуруғига F₄Андижон-36 х Андижон-37, F₄Андижон-36 х Наманган-77, F₄Андижон-36 х Бухоро-102, F₄Султон х Андижон-37, F₄Султон х Наманган-34 комбинациялари *Verticillium dahlia* Kleb. замбуруғига юқори даражада толерант (95%) эканлиги тасдиқланган ҳамда вилтга бардошли ғўза навлари бўйича генетик-селекцион изланишларда бошланғич манбаи сифатида фойдаланиш учун тавсия этилган;

илмий изланишлар натижасида қимматли хўжалик белгиларнинг ижобий мажмуасига эга бўлган янги Т-105/21, Т-118/21 ва Т-135/21 тизмалари яратилган ҳамда селекцион тадқиқотларда бошланғич ашё сифатида фойдаланиш учун тавсия этилган;

аввалги йилларда генетик ва эколого-географик узоқ дурагайлаш борасида ўтказилган тадқиқотлар асосида Т-1288 ғўза тизмаси негизида С-7317 нави яратилиб, андоза С-6524 навига нисбатан айрим қимматли хўжалик белгилари бўйича устунликни намоён қилгани учун амалий селекция жараёнида фойдаланиш учун бошланғич ашё сифатида тавсия этилиб, навнинг наводорлигини яхшилаш борасида бирламчи уруғчилик кўчатзорлари ташкил этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олиб борилган тадқиқотларнинг методик жиҳатдан тўғри ўтказилганлиги, дала ва лаборатория шароитидаги тажрибалар апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланганлиги, олинган натижалар назарий ва амалий жиҳатдан бири-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг замонавий статистик таҳлил қилинганлиги, хулосаларнинг илмий ва амалий асосланганлиги, Республика ва халқаро анжуманларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек, ғўзанинг ўрта толали янги С-7317 навини яратилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турли генотипга эга ғўза навларининг

қимматли хўжалик белгилар бўйича умумий (УКҚ) ва махсус комбинацион қобилияти (МКҚ) аниқлангани, лаборатория шароитида *Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfectum, *Fusarium solani* ҳамда *Verticillium dahliae* Kleb. га толерантлигини аниқлаш мумкинлиги, топкросс чатиштириш усули орқали яратилган ғўза дурагайларида доминантлик даражаси ўрганилганлиги, турли генотипга эга навларни топкросс тизимида дурагайлаш ҳамда ажралаётган авлодларда вариацион таҳлиллар ўтказиш асосида қимматли хўжалик белгилар бўйича ижобий трансгрессив рекомбинантларни ажратиб олиш борасидаги селекцион тадқиқотлар самарали эканлиги тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти топкросс дурагайлаш асосида вертициллёз вилтга бардошли, тола чиқими ва сифати юқори, йирик кўсаклилик каби белгилар мажмуасига эга генетик жиҳатдан бойитилган янги Т-105/21, Т-118/21 ва Т-135/21 интрогрессив ғўза тизмалари ҳамда генетик ва эколого-географик узоқ келиб чиқишга эга Т-1288 тизмаси асосида С-7317 нави яратилгани ва кейинги амалий селекция жараёнида фойдаланиш учун бошланғич ашё сифатида тавсия этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўрта толали ғўзанинг айрим қимматли хўжалик белгилари бўйича янги донорларини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

қимматли хўжалик белгиларнинг юқори мажмуасига эга ва аксарият белгилар бўйича ишлаб чиқаришда экилаётган ғўза навларидан устун бўлган Т-105/21 (тола чиқими 38,2%, тола узунлиги 33,0 мм, микронейр кўрсаткичи 4,2-4,3, бир дона кўсакдаги пахта вазни 5,8 гр, 1000 дона чигит оғирлиги 115 гр, тезпишарлиги 118-120 кун), Т-118/21 (тола чиқими 39,6%, тола узунлиги 32,6 мм, микронейр кўрсаткичи 4,4-4,5, бир дона кўсакдаги пахта вазни 6,0 гр, 1000 дона чигит оғирлиги 110 гр, тезпишарлиги 122-124 кун) ва Т-135/21 (тола чиқими 41,2%, тола узунлиги 34,5 мм, микронейр кўрсаткичи 4,3-4,4, бир дона кўсакдаги пахта вазни 5,5 гр, 1000 дона чигит оғирлиги 110 гр, тезпишарлиги 124-125 кун) тизмалари яратилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 августдаги №07/22-04/6098-сон маълумотномаси). Натижада, янги яратилган ғўза тизмаларидан генетик тадқиқотлар ва қимматли хўжалик белгилари мажмуига эга навлар селекцияси жараёнида бошланғич ашё сифатида фойдаланилмоқда;

қимматли хўжалик белгиларнинг юқори мажмуасига эга, *Verticillium dahliae* Kleb. касаллигига бардошли, ҳосилдор ва тола чиқими юқори бўлган янги С-7317 ғўза нави Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг «Андижон тажриба хўжалиги» майдонларига 3,8 гектар майдонга жорий этилиб, бирламчи уруғчилиги ташкил этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 августдаги №07/22-04/6098-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур навнинг ўртача пахта ҳосилдорлиги 37,2 ц/га.ни ташкил этиб, андоза С-6524 навига нисбатан 4,0-5,5 ц/га юқори ҳосил олинган ва рентабеллик даражаси 25,5-30,0 фоизга ошган;

ўрта толали С-7317 ғўза нави 2021 йилда Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Марказининг «Грунтназорат» нав синовида ўрганилиб, нав тозалиги 96% дан юқори бўлганлиги учун 2022 йилдан Марказнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида жойлашган нав синаш станция ва участкаларида фойдали белгилари бўйича конкурс нав синовида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 августдаги №07/22-04/6098-сон маълумотномаси). Натижада, ғўза генофондини қимматли хўжалик белгиларнинг ижобий мажмуасига эга ҳамда тола сифати IV-типга мансуб ва ҳосилдорлиги юқори бўлган нав билан бойитиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва лаборатория тажрибалари ҳар йили Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ҳамда Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти томонларидан тузилган махсус комиссияси томонидан апробация кўригидан ўтказилиб, ижобий баҳоланган, ҳисоботлар ҳар йили институтнинг Илмий кенгашида муҳокама қилинган ҳамда мазкур тадқиқот натижалари асосида 4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш чоп этилган, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда жами 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича адабиётларнинг батафсил таҳлили ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган. Навларнинг комбинацион қобилятини аниқлашнинг турли услублари, жумладан топкросс, ҳар хил мураккаб тур ичи ва турлараро дурагайлашнинг қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси учун самарадорлиги, шунингдек ғўза селекциясида хўжалик учун қимматли белгиларнинг ўзаро корреляциясини ҳамда *Verticillium dahliae* Kleb, *Fusarium oxysporum f.sp.vasinfectedum* ва *Fusarium solani* патогенларига бардошлиликни ўрганиш борасидаги маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижалари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «Тадқиқотлар ўтказилган жой ва унинг шароити, манбаи ва услублари» деб номланган иккинчи бобида олиб борилган тадқиқотларнинг жойи ва унинг шароити, манбаи ва уларнинг тавсифлари, тадқиқот ўтказиш услублари, тажриба даласида олиб борилган агротехник тадбирлар, лаборатория ва дала шароитларида изланишларни амалга ошириш, олинган натижаларни таҳлил қилишда қўлланилган статистик услублар каби маълумотлар баён қилинган.

Тажрибалар 2018-2022 йилларда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти ва унинг ИТСлари ҳамда Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг ўқув тажриба хўжалиги билан ҳамкорликда олиб борилганлиги келтирилган. Диссертацияда математик ва статистик таҳлиллар қабул қилинган услублар асосида амалга оширилган.

Диссертациянинг «Ўзанинг F₁-F₄ дурагайларида асосий хўжалик учун қимматли белгиларнинг шаклланиши бўйича тадқиқотлар натижаларининг таҳлили» деб номланган учинчи бобида ота-она шакллари хўжалик учун қимматли белгилар бўйича комбинацион қобилияти, дурагайларда белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланиши бўйича олиб борилган генетик-селекцион тадқиқотлар таҳлил қилинган. Жумладан, тадқиқотларда бошланғич ашё сифатида фойдаланилган турли генотипга эга ғўза навларининг комбинацион қобилияти, тезпишарлик, тола чиқими, тола узунлиги, бир дона кўсакдаги пахта вазни, айрим белгилар ўртасидаги корреляцион боғланишлар ҳамда тола сифат кўрсаткичлари бўйича натижалари ёритилган.

Мазкур бобнинг биринчи «Дурагайлашда иштирок этган бошланғич ашёларнинг чатишувчанлик бўйича кўрсаткичлари» деб номланган қисмида тажриба схемаси ва экиш тартиби, дурагайлашга жалб қилинган ота-она шакллари хўжалик чатишиш қобилиятлари фоизларда келтирилган. Бунда топкросс дурагайлаш услуби ёрдамида яратилган дурагайларнинг чангланиш қобилияти ўртача 28% дан 50% гача бўлгани ҳамда 471 дона чанглатилган кўсакларнинг ҳосили F₀ авлод сифатида териб олинганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

Ушбу бобнинг иккинчи «Бошланғич ашёларнинг хўжалик учун қимматли белгилари» деб номланган қисмида дурагайлашда иштирок этган ота-она шаклларида қимматли хўжалик белгилари бўйича илмий изланишлар олиб борилган. Ушбу қисмда дурагайлашда иштирок этган бошланғич ғўза навларининг эртапишарлик, хосилдорлик ҳамда тола чиқими ва узунлиги бўйича белгилари ўрганилган. Олинган натижалар асосида бошланғич шакллар орасидан Андижон-36, Султон, Андижон-37, ЎзПИТИ-201, Бухоро-102, Жарқўрғон навлари хосилдорлиги бўйича андоза С-6524 (39,6 ц/га) ғўза навига нисбатан 0,8 ц/га дан 5,2 ц/га гача юқори эканлиги аниқланган. Бир дона кўсак вазни бўйича Андижон-36, Султон, Андижон-37, ЎзПИТИ-201, Келажак, Наманган-34, Бухоро-102, Жарқўрғон навлари андоза С-6524 ғўза

навидан (5,7 грамм) ҳамда тола узунлиги бўйича барча навлар, тола чиқими бўйича эса Турон навидан ташқари барча навлар устунликни намоён қилган.

Мазкур бобнинг учинчи «Дурагайлашда иштирок этган ғўза навларининг айрим хўжалик учун қимматли белгилари бўйича комбинацион қобиляти» қисмида дурагайлашга жалб қилинган ота-она шакллариининг асосий хўжалик учун қимматли белгилари бўйича умумий (УКҚ) ва махсус (МКҚ) комбинатив қобилятига топкросс дурагайлаш услуги ёрдамида баҳо берилган.

Ушбу тадқиқотлар асосида аксарияти навларнинг қуйидаги белгилар бўйича қимматли донорлик қобилятига эга эканлиги аниқланган. Жумладан, тезпишарлик бўйича Омад ($g_i = -1,20$) Андижон-37 ($g_i = -1,05$), Турон ($g_i = -1,05$) ва ЎзПТИ-201 ($g_i = -2,91$), тола чиқими бўйича Жарқўрғон ($g_i = 1,85$), Бухоро-102 ($g_i = 2,98$) ва Андижон-36 ($g_i = 2,34$), тола узунлиги бўйича Андижон-37 ($g_i = 2,08$), С-6524 ($g_i = 1,12$), Омад ($g_i = 1,17$), ва Турон ($g_i = 1,01$) ҳамда битта кўсақдаги пахта вазни бўйича Андижон-37 ($g_i = 1,25$), С-6524 ($g_i = 1,02$), Жарқўрғон ($g_i = 1,57$), Бухоро-102 ($g_i = 1,69$) ва Султон ($g_i = 4,16$) навлари бўйича юқори УКҚ га эгаллиги, яъни ушбу белгилар бўйича қимматли донорлар эканлиги аниқланган (1-жадвал).

1-жадвал.

Ота-она шакллариининг айрим белгилар бўйича (УКҚ) умумий комбинатив қобиляти

♀ \ ♂	Униб чиқиш-50% пишиш			Тола чиқими, %			Тола узунлиги, мм			Битта кўсақдаги пахта вазни, гр		
	Андижон-36	Султон	УКҚ сама раси (g_i)	Андижон-36	Султон	УКҚ сама раси (g_i)	Андижон-36	Султон	УКҚ самар аси (g_i)	Андижон-36	Султон	УКҚ сама раси (g_i)
	M±m	M±m		M±m	M±m		M±m	M±m		M±m	M±m	
Андижон-37	119,0±0,90	119,4±0,61	-1,05	38,4±0,38	38,2±0,51	0,98	34,2±0,34	33,7±0,40	2,08	6,00±0,09	6,20±0,12	1,25
С-6524	117,0±0,55	119,0±0,85	0,87	36,3±0,61	37,3±0,38	0,57	34,7±0,50	34,4±0,35	1,12	5,64±0,11	5,92±0,07	1,02
Наманган-34	120,0±0,76	120,0±1,00	0,34	37,8±0,67	36,8±0,32	0,17	33,9±0,38	32,9±0,45	0,51	6,31±0,09	6,01±0,08	0,42
Наманган-77	121,9±0,72	121,9±0,87	-0,17	38,4±0,48	37,2±0,39	-1,22	34,6±0,46	34,7±0,48	-0,12	6,20±0,11	5,73±0,11	-0,34
Омад	119,1±0,67	121,0±1,06	-1,20	35,9±0,70	37,3±0,54	-1,05	34,3±0,39	34,0±0,37	1,17	6,40±0,11	6,18±0,08	-0,68
Жарқўрғон	123,0±0,80	121,8±0,91	1,92	36,5±0,85	37,6±0,46	1,85	34,6±0,44	34,5±0,30	0,87	6,32±0,09	6,28±0,11	1,57
Келажак	117,0±0,94	119,1±0,84	-0,18	38,4±0,75	38,2±0,53	-0,18	34,8±0,55	34,7±0,46	0,25	5,61±0,09	6,06±0,14	0,84
Бухоро-102	120,1±0,69	119,3±0,80	0,98	38,3±0,84	38,0±0,69	2,98	33,2±0,41	34,1±0,25	0,57	6,50±0,15	6,29±0,11	1,69
Турон	122,1±0,80	121,0±0,88	-1,05	37,5±0,76	37,1±0,53	0,95	34,4±0,45	33,8±0,36	1,01	5,40±0,09	5,70±0,11	-0,74
ЎзПТИ-201	117,0±0,94	119,5±0,85	-2,91	36,4±0,46	36,2±0,60	-0,91	32,8±0,43	33,2±0,36	-0,67	5,71±0,12	5,58±0,15	-0,62
УКҚ (g_i) самараси	0,68	-1,68		2,34	-0,88		0,30	-0,42		-0,31	4,16	
МКҚ (G_2s_i) варианси	-0,17	0,52		1,10	0,12		0,05	0,12		0,07	1,27	

Бобнинг тўртинчи «Турли генотипга эга ғўза навлари иштирокида яратилган F₁-F₄ дурагай комбинацияларида тезпишарликнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги» қисмида F₁-F₄ дурагайларида «ниҳол униб чиқиши-50% гуллаш» ва «ниҳол униб чиқиш-50% пишиш» даврларининг ирсийланиши ва шаклланиши таҳлил қилинган. Тадқиқотлар асосида 9 та F₁ дурагайларида салбий даражада тўлиқ доминантлик ва салбий оралик гетерозис, яъни тезпишарлик кузатилган. Қолган 13 та дурагайларда ижобий кучли ва

оралиқ даражадаги ирсийланиш, яъни кечпишарлик намоён бўлган.

F₂ дурагайларида «ниҳол униб чиқиши-50% гуллаш» даври 117,2-123,0 кун оралиғида бўлди, F₃ дурагайларида 119,3-122,6 кун оралиғида ва F₄ дурагайларида 118,2-123,2 кунгача бўлганлиги аниқланган. Тезпишарлик белгисининг F₂-F₄ дурагайларида ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланишини ўрганиш орқали чатиштиришларга жалб этилган Андижон-36 х Омад, Андижон-36 х ЎзПИТИ-201, Султон х Келажак комбинациялари бошқа дурагайларга нисбатан эртапишарликни намоён қилиб, кейинги селекцион тадқиқот ишларида тезпишарлик бўйича қимматли бошланғич ашё сифатида хизмат қилиши мумкинлиги хулоса қилинган.

Бобнинг бешинчи «**Турли генотипга эга ғўза навлари иштирокида яратилган F₁-F₄ дурагайларида тола чиқимининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги**» қисмида F₁ дурагайларида «тола чиқими» белгиси 22 та дурагайдан 6 тасида ижобий ва 16 тасида салбий гетерозис тарзда ирсийланиши аниқланган. Тадқиқотларда тола чиқимининг ўзгарувчанлиги бўйича F₂-F₃ дурагай ўсимликларининг деярли барчасида вариацион каторнинг 43,1 % дан 45,0 % гача бўлган синфларига мансуб ижобий рекомбинантлар ажралиб чиққанлиги кузатилган.


Тола чиқимининг F₁-F₄ дурагайларида ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланишини ўрганилганда Андижон-36 х Андижон-37, Андижон-36 х Наманган-34, Андижон-36 х Келажак, Султон х Наманган-34, Султон х Наманган-77, Султон х ЎзПИТИ-201, Султон х Келажак, Султон х Бухоро-102, Султон х Андижон-36 дурагайларида йиллар кесимида нисбатан юқори тола чиқими намоён бўлди. Бу эса, кейинги тадқиқотларда мазкур дурагайлар тола чиқими бўйича қимматли бошланғич ашё бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини тасдиқлайди.

Бобнинг олтинчи «**Турли генотипга эга ғўза навлари иштирокида яратилган F₁-F₄ дурагайларда тола узунлигининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги**» деб номланган қисмида F₁ дурагайларида «толанинг штапел узунлиги» белгиси бўйича таҳлиллар асосида 13 та комбинацияда ижобий ва 9 та дурагайда салбий гетерозис юз бергани аниқланган. Белги бўйича F₂-F₃ дурагайларида кенг вариацион ўзгарувчанлик юз бериши ҳамда 37,0 мм дан 39,0 мм гача бўлган ижобий рекомбинантларнинг ажралиб чиқиши кузатилган. Ўрганилган F₂-F₃ авлод дурагайларида «толанинг штапел узунлиги» нинг ўзгарувчанлиги ва ирсийланишини таҳлили асосида белги бўйича ижобий трансгрессив ўсимликларнинг ажралиб чиқиши кузатилган. Натижада, тола узунлиги бўйича қимматли рекомбинант ўсимликларни танлаш орқали ўрганилган якка танловларнинг F₄ авлодида белгининг кўрсаткичи 35 мм дан юқори бўлганлиги аниқланди. Мазкур F₄ авлод дурагайларида тола узунлиги белгисининг нисбатан барқарорлашганлиги кузатилган.

Бобнинг еттинчи «**Турли генотипга эга ғўза навлари иштирокида яратилган F₁-F₄ дурагайларда бир дона кўсакдаги пахта вазнининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги**» деб номланган қисмида бир дона кўсакдаги пахта вазни бўйича ўрганилган F₁ дурагайларидан 11 тасида ижобий

гетерозис ва 11 тасида салбий гетерозис аниқланган. Белги бўйича F₂-F₃ дурагайларининг вариацион таҳлили асосида вариацион қаторнинг ўнг тарафга оғиши, яъни кўсак вазни 7,6 граммдан 8,5 граммгача бўлган ижобий трансгрессив ўсимликлар ажралиб чиқиши кузатилган. Танловларни тўғри олиб борилиши натижасида F₄ дурагайларга келиб 13 та дурагайда белгининг ўртача кўрсаткичи 6,0 граммдан юқори бўлган. Тадқиқотлар асосида бир кўсакдаги пахта вазини ирсийланиши полиген генларга боғлиқ бўлиб ота-она генотипига боғлиқ равишда ирсийланиши хулоса қилинган. Шунингдек, Андижон-36 x Андижон-37, Андижон-36 x С-6524, Андижон-36 x Наманган-77, Андижон-36 x Бухоро-102, Андижон-36 x ЎзПИТИ-201, Султон x Омад ва Султон x Андижон-36 дурагай комбинацияларидан битта кўсак вазни белгисини яхшилаш борасидаги селекцион тадқиқотларда қимматли бошланғич ашё сифатида фойдаланиш тавсия этилган.

Бобнинг саккизинчи «Турли генотипга эга ғўза навлари иштирокида яратилган F₂-F₃ дурагайларида айрим хўжалик белгиларнинг корреляцияси» га бағишланган қисмида тола чикими ва тола узунлиги белгилари орасида турли даражадаги ва йўналишдаги корреляцион боғлиқликлар мавжудлиги аниқланган. Жумладан, ўрганилган F₂ дурагайлари орасидан 9 та, F₃ дурагайларидан эса, 6 та комбинацияда тола узунлиги ва бир дона кўсакдаги пахта вазни ўртасида ижобий ҳамда 7 та F₂ ва 7 та F₃ дурагайларида кучли, кучсиз ва ўртача ижобий боғлиқликлар мавжудлиги аниқланган. (1-расм).



1-расм. F₂-F₃ дурагайларда айрим белгилар ўртасидаги коррелятив боғлиқлик

Бобнинг тўққизинчи «Турли генотипга эга ғўза навлари иштирокида яратилган F₄ дурагайларида тола сифати кўрсаткичларининг таҳлили» деб номланган қисмида F₄ дурагайларининг толасини технологик кўрсаткичлари бўйича НВИ лабораториясида ўтказилган таҳлиллар натижалари ёритилган. Олинган натижалар асосида ўрганилган 22 та


намуналари орасида тола микронейри (*Mic*) бўйича 3,7-4,2 интервал, яъни «мукофотли оралиқ» да 9 таси жойлашгани, 7 та намунада эса, 3,5-3,6 ва 4,3-4,9 интерваллари «асосий оралиқ» даги мезонда жойлашганлиги ва қолган 6 тасида 3,4 дан кам ва 5,0 дан юқори кўрсаткичга эга бўлиб, «нархидан чегириладиган» мезонга жавоб бериши аниқланган. Бундан ташқари, толанинг «солиштирма узлиши кучи» (*Str*), «юқори ўртача узунлик» (*UHML*) ва бошқа сифат белгиларини ҳам ўрганиш натижасида F₄Андижон-36 х Наманган-77, F₄Андижон-36 х Бухоро-102, F₄Султон х С-6524, F₄Султон х Жаркўрғон дурагайлари тола сифати кўрсаткичларининг ижобий мажмуаси бўйича юқори даражада тўқимачилик саноати талабларига мослиги билан ажралиб тургани аниқланиб, тола сифатини яхшилаш борасидаги кейинги селекцион изланишларда қимматли бошланғич ашёлар сифатида хизмат қилиши мумкинлиги хулоса қилинган.

Диссертациянинг «**Эколого-географик узок дурагайлаш асосида яратилган ғўза тизмаларида асосий хўжалик учун қимматли белгиларнинг шаклланиши**» деб номланган тўртинчи бобида лабораторияда аввалги йилларда генетик ва эколого-географик узок дурагайлаш орқали яратилган янги ғўза тизмаларида тола чиқими ва узунлигининг ўзгарувчанлиги ҳамда *Verticullium dahliae* Kleb, *Fusarium oxysporum f.sp.vasinfectedum* ва *Fusarium solani* патогенларига толерантлигини лаборатория таҳлиллари асосида ўрганиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари таҳлил қилинган.

Мазкур бобнинг биринчи «**Генетик ва эколого-географик узок дурагайлаш асосида яратилган ғўза тизмаларида қимматли хўжалик белгиларнинг шаклланиши**» деб номланган қисмида генетик жиҳатдан бойитилган Т-1288, Т-323/26 Т-8150/19, Т-8168/19, Т-135/21, Т-105/21, Т-118/21, Т-9354/19 тизмаларида қимматли хўжалик белгиларнинг шаклланиш жараёни таҳлил қилинган. Олинган натижалар асосида аксарият ўрганилган янги ғўза тизмалари хўжалик учун қимматли белгилари мажмуаси бўйича андоза С-6524 навига нисбатан юқори натижаларни қайд этганлиги аниқланган. Тадқиқотлар натижаси асосида ушбу ғўза тизмалари ўрта толали ғўза навлари селекцияси йўналишидаги тадқиқотларда қимматли бошланғич ашё сифатида хизмат қилиши хулоса қилинган.

Мазкур бобнинг иккинчи «**Топкросс дурагайлаш асосида яратилган F₄ дурагай комбинацияларининг патоген микромицетларга *Fusarium oxysporum f.sp.vasinfectedum*, *Fusarium solani*, *Verticullium dahlia* Kleb. га инокуляция усули орқали чидамлилигини аниқлаш**» қисмида дурагайларнинг ушбу касалликларга толерантлиги таҳлил қилинган.

Fusarium oxysporum f.sp.vasinfectedum патоген замбуруғ касаллигига F₄Андижон-36 х Андижон-37, F₄Андижон-36 х Султон, F₄Андижон-36 х ЎзПИТИ-201 дурагайлари ва *Verticullium dahlia* Kleb. замбуруғ касаллигига F₄Андижон-36 х Андижон-37, F₄Андижон-36 х Наманган-77, F₄Андижон-36 х Бухоро-102, F₄Султон х Андижон-37, F₄Султон х Наманган-34 дурагайлари толерантлик (>95%) ни намоён қилишган (2-расм).



2-расм. F₄ дурагай комбинацияларининг патоген микромицетлар билан зарарланиши (% да)

